

Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

“Qorako’ldonmahsulotlari” акциядорлик жамияти акциядорлари ва раҳбарларига:

Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

Тўлик номи:	“Qorako’ldonmahsulotlari” акциядорлик жамияти
Юридик манзил:	Бухоро вилояти Қоракўл шаҳар, Тинчлик кўчаси 42 уй.
Ҳисоб рақами:	20210000200491464001. “Агробанк” АТБ Қоракўл шаҳар филиали
МФО:	00094
ХХТУТ:	19211
СТИР:	200881023
Тел:	365-565-70-39.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «PROMSTROY-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудиторлари Зокиров Азиз Азимбоевич

Аудиторлик ташкилоти:

Ташкилот номи:	MChJ «PROMSTROY-AUDIT» AT
Юридик манзил:	Навоий шаҳри, Низомий кўча 24А уй
Давлат рўйхатига киритилганлиги:	Ташкилот Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2010 йил 26 август №394 сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган ҳамда № 1091 сонли давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисида ГУВОХНОМА сига эга.
Лицензии:	Ташкилот Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2011 йил 12 январдаги АФ №00720 сонли (Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказишга рухсат берувчи) ЛИЦЕНЗИЯ сига эга
Аудитор:	А. Зокиров/ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2016 йил 29 октябрда берилган №05427 сонли СЕРТИФИКАТ га эга.
Асос:	09.11.2018 йил 02/019 сон шартнома

“Qorako’ldonmahsulotlari” акциядорлик жамияти нинг Бухгалтерия Баланс 1-сонли шакл, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот 2-сон шаклидан иборат 01.01.2018 йилдан 01.01.2019 йилгача бўлган молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текшируви дан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим қилинган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувиге асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз “Qorako’ldonmahsulotlari” акциядорлик жамияти нинг илова қилинган молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча “Qorako’ldonmahsulotlari” акциядорлик жамияти нинг молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Хулоса ёзилган сана: 20.03.2019 йил